

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПРОКУРАТУРА ТОМОНИДАН АНИҚЛАНГАН  
МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ  
ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТЛАРИУВ ҚЎЛЛАШНИНГ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Матназаров Сирожбек Сафарбой ўғли**

*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил  
тадқиқотчиси*

**Аннотация:** *Ўзбекистон Республикасида прокуратура томонидан аниқланган маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги оддий қоидабузарликлар ва прокурорнинг назорат ҳужжатлари, Маданий мерос объектларини ҳисобга қўйиш, кадастр ҳужжатларини ишлаб, давлат реестрига олиш қоидаларини бузиш, маданий мерос объектлари жойлашган ҳудудлардаги мавжуд фаолияларнинг ўрни ҳақида фикр юритилади.*

**Калит сўзлар;** *Муҳофаза белгиси, маданий мерос объекти, ноқонуний реклама, археологик мерос, давлат реестри.*

Қонунийлик ҳолатини таҳлил қилиш маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар сезиларли даражада кўплигини кўрсатмоқда. Буни тарих ва маданият ёдгорликларини давлат муҳофазаси бўйича прокуратура статистикаси маълумотлари ҳамда Бош прокуратура ва қўйи прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текшириш материаллари тасдиқлайди.

Прокуратура органлари томонидан ўтказилган текширишлар материалларидан кўриниб турибдики, маданий мерос объектларини ҳисобга олиш ва ягона давлат реестрига киритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари кўп ҳолларда бажарилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва қўйи турувчи прокуратуралар томонидан ўтказилган текширишлар натижаси бўйича аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини қўйидагича таснифлаш мумкин:

1) Маданий мерос объектларини ҳисобга қўйиш, кадастр ҳужжатларини ишлаб, давлат реестрига олиш қоидаларини бузиш.

Ўзбекистон Республикаси бўйича маданий мерос объекти сифатида 8208 та объект рўйхатга олинган бўлса, шундан 651 та объект кадастр қилинмаган, 298 та объект давлат кадастри ягона тизимига киритилмаган, 4047 та объектга муҳофаза белгиси ўрнатилмаган, 6291 муҳофаза чегаралари белгиланмаган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

29.07.2002 йилдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

билан тасдиқанган Низомнинг 11-бандига кўра, маданий мерос объектларининг кадастримаданий мерос объектларининг жуғрофий жойлашиши ҳақидаги маълумотларни; маданий мерос объектларининг миқдорий ва сифат тавсифлари ҳисобини; миқдорий ва қиймат жиҳатидан ҳисобини ўз ичига олади. Маданий мерос объекти тавсифи номи; типологик мансублиги; манзили; замонавий фойдаланилиши; тарихий маълумотлар; ёдгорликнинг дастлабки қиёфасини ўзгартирган қайта қуришлар ва йўқотишлар; илмий-тарихий ва бадиий аҳамияти; асосий библиография, архив манбалари, иконографик материал; техник ҳолати; муҳофаза қилиш тизими; муҳофаза қилиш тоифаси; муҳофаза қилишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг санаси ва тартиб рақами; муҳофаза зонаси чегаралари; баланс бўйича мансублиги; муҳофаза ҳужжатининг санаси ва тартиб рақами (мажбуриятлар); археология ёдгорлиги учун: санаси, энг муҳим топилмалар рўйхати ва тавсифи; тарих ёдгорликлари учун: санаси, мрамор лавҳада матнлар мавжудлиги ва ўрнатилган вақти; архитектура ёдгорликлари учун: санаси, режалаштирилиши, композицион-макон тузилмаси ва конструкцияларнинг ўзига хослиги, фасад ва интерьерлар безаги хусусияти, ранг-тасвир, ҳайкалтарошлик, амалий санъат мавжудлиги, қурилиш материали, асосий ўлчамлари; монументал санъат ёдгорликлари учун: муаллифи ва санаси, композицион ечими хусусиятлари, матнлар, материал, техника, ҳажми; маданий мерос объектининг ижтимоий, илмий-тарихий ва бадиий аҳамиятига умумий баҳо беришдан иборат бўлади. 14-бандида, “Маданий мероснинг кўчмас объектларига ҳуқуқлар ер участкалари (шу жумладан муҳофаза зоналари)нинг натурада белгиланган ва мустаҳкамланган чегаралари мавжуд бўлган тақдирда бинолар ва иншоотларнинг давлат ер кадастри ва давлат кадастрини олиб борувчи органларда кадастр рўйхатидан ўтказилади. Ер участкаси чегараларининг бурилиш нуқталари қозикли белгилари йўқолган тақдирда улар ўша жойда ер участкаси чегараларининг бурилиш нуқталари ўрнатилган ҳолда дала геодезия ўлчамлари ўтказилган ёки тегишли кўламдаги фотография маълумотидан фойдаланилган ҳолда ер участкалари ажратиш материаллари бўйича тикланади”.- деб қайд қилинган.

Ушбу ҳолатда прокурор “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг

40-моддасига кўра, қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномани қонун бузилишини бартараф этиш ваколатларига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга киритади.

Тақдимнома дарҳол кўриб чиқилиши ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозим. Тақдимнома коллегиял орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақлидир.

2) Маданий мерос объектлари теграларида ноқонуний қурилмалар қурилиши, маданий мерос объектларининг ноқонуний равишда бузиб ташланиши.

Ўтказилган назорат тадбирларида республика бўйича жами 108та маданий мерос объектида 146 та ноқонуний қурилма қурилганлиги аниқланди.

Тадбирлар натижаси бўйича маданий мерос объектлари ҳудудида қурилган 7 та ноқонуний қурилма буздирилган.

Жумладан, Сурхондарёда “Зартепа” (I-V асрлар), “Карвонтушди” (I-VI), “Исмоилтепа” (I-VIII) ва “Мангузартепа” (I-IV), Қашқадарёда “Тўрткўлттепа” (I-VI) археология объекти, Хоразмда “Қибла тозабоғ” (XIX) архитектура ёдгорлиги ҳудудидаги ноқонуний қурилмалар буздирилди. Қайд этилишича, 71 та объектда қурилган 76 та ноқонуний қурилмани буздириш юзасидан мутасадди идоралар томонидан ёзма кўрсатмалар берилган. Бундан ташқари, 44 та маданий мерос объектидаги 63 та ноқонуний қурилмаларни буздириш юзасидан судларга даъво аризалари киритилган.

Хусусан, Термиз туманида жойлашган “Мангузартепа” археология ёдгорлиги (I-IV аср) устига уяли алоқа оператори томонидан ноқонуний ўрнатилган антенна қурилмаларини буздириш бўйисҳа судга даъво аризаси киритилган.

Таъкидланишича, ноқонуний қурилма қурган 26 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси “Мэрос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасига кўра, моддий маданий мерос объектларининг мулкдорлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар: моддий маданий мерос объектининг ташқи ва ички кўринишини моддий маданий мерос объектининг паспортига киритилган муҳофаза мазмуни маълумотларига мувофиқ ҳолда сақлаш; моддий маданий мерос объектлари жойлашган ерларда ҳамда уларга туташ ҳудудларда ер қазиш, ер тузиш, қурилиш, мелиорация, хўжалик ишлари ва бошқа ишларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг рухсатномасини олиш; алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудларни сақлаб туриш тартиботини таъминлаш; моддий маданий мерос объектининг мулкдори томонидан белгиланадиган шартлардаги моддий маданий мерос объектининг ҳамма учун очиқлиги талабларини албатта бажарган ҳолда уларнинг асралишини таъминлашга мажбурдирлар.

Ушбу талабларни бажармаганлик учун ма’мурий ва фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик белгиланаган.

Мисол учун, Ўзбекистон Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 64-моддасида моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган, яъни “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача, мансабдор шахсларга эса — эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Давлат муҳофазасига олинган моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг қўриқланадиган чегараларида,

алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудларда, шу жумладан ўзининг тарихий-маданий қимматига кўра Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудларда ва уларнинг қўриқланадиган чегараларида моддий маданий мерос объектлари ҳисобланмаган бинолар, иншоотлар ҳамда бошқа объектларни белгиланган тартибда руҳсатнома олмасдан қуриш ёки бузиш, —фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — юз бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 39-моддасига кўра, прокурор маъмурий жавобгарликка оид иш қўзғатиш ваколатига эга эканлиги белгиланган бўлса, МЖТКнинг 275-моддасида, прокурорнинг маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш кўрилиши устидан назорат олиб бориш жараёнида - маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатишга; иш материаллари билан танишиб чиқишга; иш юритиш вақтида органлар (мансабдор шахслар)нинг ҳаракатлари қонунийлигини текширишга; ишни кўриб чиқишда қатнашишга; ишни кўриб чиқиш вақтида вужудга келган масалалар хусусида илтимосини баён этишга, хулосалар беришга; маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун тегишли органлар (мансабдор шахслар) таъсир кўрсатиш чораларини тўғри қўлланганлигини текширишга; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қабул қилинган қарорга ёки шикоят юзасидан чиқарилган қарорга протест келтиришга ваколатли эканлиги белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг

190-моддасига кўра, агар мулкдор ўзига қарашли тарих ва маданият ёдгорлигига хўжасизларча муносабатда бўлса ва унинг яхши сақланишини таъминламаса, зиммасида ёдгорликларни сақлаш вазифаси бўлган давлат органлари мулкдорни ёдгорликка хўжасизларча муносабатда бўлишни тўхтатиш ҳақида огоҳлантирадilar. Агар мулкдор ушбу талабни бажармаса, тегишли органларнинг даъвосига кўра суд ёдгорликни олиб қўйиш ҳақида қарор чиқариши мумкин, бу ёдгорлик давлат мулкига ўтади. Олиб қўйилган тарих ва маданият ёдгорлигининг қиймати мулкдорга келишувда белгиланган, низо чиққан тақдирда эса — суд томонидан белгиланган миқдорда тўланади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда тарих ва маданият ёдгорлигини олиб қўйиш ҳақидаги даъво олдиндан огоҳлантирмасдан ҳам қўзғатилиши мумкин.

Бу ҳолатда эса, прокурор “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг

41-моддасига кўра, давлат манфаатларини кўзлаб ноқонуний қурилмаларни буздириш учун судга даъво аризасини киритади. Прокурор аризалари учун давлат божи ундирилмайди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 51-моддасида, ариза берган прокурор даъвогарнинг барча процессуал ҳуқуқларидан фойдаланади ва барча процессуал мажбуриятларини ўз зиммасига олади, бундан келишув битими ёки медиатив келишув тузиш ҳуқуқи ва суд харажатларини тўлаш мажбурияти мустасно.

Прокурор берган аризасидан бутунлай ёки қисман воз кечиш, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўзи арз қилган талаблар бўйича судга тушунтиришлар бериш, иш мазмунини юзасидан, шунингдек ишнинг муҳокамаси вақтида келиб чиққан айрим масалалар бўйича ўз фикрини баён этиш, суд ҳужжати устидан протест келтириш ҳуқуқига эга.

Агар даъвогар рози бўлмаса, прокурор ўзи арз қилган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, қўшимча талаблар билдиришга, даъво талабларининг миқдорини кўпайтиришга ёхуд камайтиришга ҳақли эмас.

Прокурор томонидан даъвогарнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун тақдим этилган даъводан даъвогарнинг воз кечиши, агар бу учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилмаса, даъво аризасини (аризани) кўрмасдан қолдиришга олиб келади.

Прокурорнинг бошқа шахс манфаатларини ҳимоя қилиш учун тақдим этган ўз даъвосидан (аризасидан) воз кечиши, ушбу шахсни ишни мазмунан кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

3) Маданий мерос объектлари биноларига ташқи рекламалар ўрнатилиб, маданий мерос объектларининг фасад қисми кўримсиз ҳолатга келтирилган.

Бош прокуратура хабарига кўра, Прокуратура идоралари томонидан мутасадди идоралар билан биргаликда 5 та қадимий шаҳарда жойлашган 1000 дан ортиқ маданий мерос объектида реклама ва ахборот кўрсаткичлари ўрнатилиши қонунийлиги ўрганилди. Унда қонунчилик талабларига зид равишда 72 та объектларга 121 та реклама ўрнатилгани аниқланган. Бухорода 27 та маданий мерос объектида 50 та, Самарқандда 25 та объектда 45 та, Тошкент шаҳрида 18 та объектда 24 та, Хивада 2 та объектда 2 та реклама баннери ўрнатилган. Хусусан, Бухоро шаҳрида жойлашган ноёб архитектура ёдгорлиги тоифасига кирувчи XIX асрга оид “Иброҳим Охунд” мадрасасида 6х3 ўлчамдаги “Гўзаллик салони” реклама баннери ўрнатилиб, объектнинг тарихий кўриниши тўлиқ ёпиб қўйилган. Пойтахтдаги XX асрга оид “Баҳор” ресторани биносига 7х9 ўлчамдаги “Билярд ва ресторан” реклама баннери ўрнатилиб, бино тарихий кўриниши кўримсиз ҳолатга келтирилган. Ўрганишлар давомида 53 та объектда ноқонуний ўрнатилган 99 та реклама баннерлари олиб ташланиши таъминланиб, маданий мерос объектлари кўриниши асл ҳолатига қайтарилган. 19 та объектда ноқонуний ўрнатилган 22 та реклама баннерини олиб ташлаш юзасидан мутасадди шахсларга ёзма кўрсатмалар берилган.

Ваҳоланки, “Реклама тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддаси 5-қисмида, “Ташқи рекламани моддий маданий мерос объектларида, йўл белгиларида ва светофорларда, уларнинг тиргакларида ёки ҳаракатни тартибга солиб турувчи бошқа ҳар қандай қурилмаларда, шунингдек дов-дарахтларни пайҳон қилиш ва туташ ҳудуддаги ободонлаштириш воситаларини бузиш йўли билан жойлаштириш тақиқланади.”- деб белгиланган.

Юқоридаги Қонун талабларини бажармаганлик учун Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 1781-моддасининг 2-қисми билан маъмурий жавобгарлик белгиланган, яъни фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан нотўғри реклама берганлик, ташқи рекламани жойлаштириш тартибига риоя қилмаганлик ёки аксилреклама беришдан бош тортганлик, худди шунингдек реклама қилиниши қонунчилик билан тақиқланган маҳсулотни реклама қилганлик — базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ушбу ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

4. Маданий мерос объектлари жойлашган ҳудудлар жисмоний ва юридик шахсларга тадбиркорлик фаолияти ва бошқа мақсадлар учун ажратиб берилган ёки аукционга қўйилган.

Маданий мерос инспекцияси ҳамда Маданий мерос агентлигининг маълум қилишича, 2022-йил 17-январдаги Бухоро вилоятида хизмат текшируви ўтказилиши натижасида Бухоро тумани “Шергирон” МФЙ ҳудудида жойлашган давлат муҳофазасига олинган “Чор Бакр” (мажмуаси) маданий мерос объектининг муҳофаза чегараларида ер участкалари ижарага ва мулк ҳуқуқи асосида ноқонуний электрон онлайн-аукционга қўйилгани аниқланган.

Коррупсияга қарши курашиш агентлиги Тошкент вилоятидаги “Култепа”, Бухоро вилоятидаги “Вардонзе ёдгорлиги” ва Тошкент шаҳридаги “Қулоқтепа (Қулоқлитепа)” археология мероси объектларининг муҳофаза қилиниши, сақланиши ва улардан фойдаланишда қонунчиликка риоя этилиши ҳолатларини ўрганди. Бу ҳақда агентлик ахборот хизмати хабар қилди.

Қайд этилишича, ўрганишлар айрим туман ҳокимлари ва идораларининг масъул ходимлари соҳага оид қонунчилик ижросини етарли таъминламаганлиги, зиммаларидаги вазифалар ижросига лоқайдлик билан муносабатда бўлиш орқали қонун ҳужжатлари талабларини бузиш ҳолатларига йўл қўйганлигини кўрсатган.

Хусусан, Маданий мерос агентлиги томонидан археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва уларни асраш борасидаги вазифалар лозим даражада бажарилмаган. Оқибатда юқоридаги объектлар ҳокимликларнинг қарорлари билан тадбиркорларга бериб юборилган. Уларнинг муҳофаза ҳудудларида қурилиш ишлари амалга оширилган ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экилиб катта қисми йўқ қилинган.

Жумладан, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015-йилги қарори билан фуқаро Б.Инағомовга Юнусобод туманидаги “Қулоқтепа (Қулоқлитепа)” археология мероси объектини муҳофаза ҳудудидан “оталар чойхонаси” қуриш учун 0,06 га ер майдони ажратиб берилган. Оқибатда давлат манфаатларига 6,5 миллиард сўм зарар етказилган. Назорат ишлари етарли амалга оширилмаганлиги боис ушбу археология мероси объектларига жиддий шикаст етказилган.

Шунингдек, Тошкент вилояти Паркент тумани собиқ ҳокими “Култепа” археология ёдгорлиги ҳудудини қарор асосида тадбиркорлик субъектига бериб юборган. Тадбиркор томонидан объектнинг 2 гектар қисми фишт қуйиш учун бузилиб, давлат манфаатларига 1 триллион 587,6 миллиард сўм миқдорида зарар етказилган.

Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги “Вардонзе ёдгорлиги” археология мероси объектнинг муҳофаза ҳудуди туман ҳокимининг қарори билан 124 гектардан 76 гектарга қисқартирилиб, тумандаги “Тўймурод Холмурод ўғли” фермер хўжалигига яйлов сифатида бериб юборилган. Фермер хўжалиги мансабдор шахслари ҳудудда ер қазиш, ер тузиш, экин экиш ва мелиорация ишларини амалга оширгани оқибатида унинг маданий қатлами бузилиб, саксовул ўсимликлари ва тарихий ашёлар нобуд бўлган ҳамда давлат манфаатларига 26,7 миллиард сўм миқдорида зарар етказилган.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 75-моддасига кўра, Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар жумласига тегишли юридик шахсларга доимий фойдаланишга берилган моддий маданий мерос объектларининг ерлари киради. Мазкур ерларда уларнинг белгиланган мақсадига зид бўлган ҳар қандай фаолият тақиқланади.

Моддий маданий мерос объектнинг ўзгартирилиши мумкин бўлмаган ўзига хос хусусиятларини ва унинг тарихий муҳитини сақлаб қолиш мақсадида унга туташ ҳудудда муҳофаза зоналари, иморатлар қуришни ва хўжалик фаолиятини тартибга солиш зоналари, муҳофаза этиладиган табиий ландшафт зоналар белгиланади.

Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларни ажратиш ва улардан фойдаланиш, уларга туташ ҳудудларда муҳофаза зоналарини, иморатлар қуришни ва хўжалик фаолиятини тартибга солиш зоналарини, муҳофаза этиладиган табиий ландшафт зоналарни белгилаш ва уларни муҳофаза қилиш тартиби қонунчиликда белгиланади.

Шу каби, Қонуннинг 33-моддасига кўра, тарихий манзилгоҳ ҳудуди доирасида шаҳарсозлик, хўжалик фаолияти ва бошқа фаолият моддий маданий мерос объектлари ва мазкур манзилгоҳнинг бошқа қимматли хусусиятларини сақлаб қолиш шarti билан амалга оширилмоғи лозим.

Моддий маданий мерос объектларини, шунингдек тарихий-маданий ёки табиий қимматга эга бўлган бошқа объектларни сақлаб қолиш мақсадида тарихий манзилгоҳларда қонунчиликка мувофиқ шаҳарсозлик фаолиятини тартибга солишнинг алоҳида тартиби белгилаб қўйилади.

Тарихий манзилгоҳларда шаҳарсозлик фаолиятини тартибга солишнинг алоҳида тартиби маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқарувини амалга оширувчи тегишли органнинг ҳамда архитектура-шаҳарсозлик фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги давлат бошқаруви органларининг назорати остида ўтказиладиган моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича изчил ва ўзаро боғлиқ тадбирлар тизимидан иборат. Алоҳида тартиб тарихий-меъморий, тарихий-шаҳарсозлик, архив ва археология тадқиқотлари асосида тарихий манзилгоҳ ҳудуди чегараларида тарихий-маданий қимматга эга бўлган ер участкаларида жойлашган, ҳам сақланиб қолган, ҳам

йўқотилган мазкур тарихий манзилгоҳнинг ривожланиш босқичларини кўрсатувчи барча шаҳарсозлик элементлари ва иншоотларини асослаган ҳолда тарихий-маданий таянч режасини тузишни, бинолар ҳамда иншоотларнинг ўлчамлари ва нисбатларига, автомобиллар турадиган жойларни, рекламалар ва лавҳаларни жойлаштиришни тақиқлаш ва чеклашларга ҳамда моддий маданий мерос объектларини сақлаш учун зарур бўлган бошқа чеклашларга тааллуқли шаҳарсозлик регламентини ўз ичига олади.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 38-моддасига биноан, прокурор қонунга зид ҳужжатни ўзгартириш ёки бекор қилиш ёхуд қонунга мувофиқлаштириш учун протест келтириш ҳуқуқига эга.

Қонунга зид бўлган ҳужжатга нисбатан протестни прокурор ана шу ҳужжатни қабул қилган органга ёки юқори турувчи органга келтиради. Мансабдор шахснинг ноқонуний қарорига нисбатан ҳам худди шундай тартибда протест келтирилади.

Протест келиб тушган вақтдан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай кўриб чиқилиши шарт. Қонунбузарликни дарҳол бартараф этиш талаб қилинган алоҳида ҳолларда прокурор протестни кўриб чиқишнинг қисқартирилган муддатини белгилашга ҳақли. Протестни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида уч кунлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилинади.

Протест коллегиал орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақлидир.

Протест шу ҳужжатни қабул қилган орган (мансабдор шахс) ёки юқори турувчи орган (мансабдор шахс) томонидан рад этилганда, шунингдек протест қонунда белгиланган муддат ичида кўриб чиқилмаган тақдирда, прокурор ана шу ҳужжатни ғайриқонуний деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли. Судга ариза протест рад этилганлиги тўғрисидаги хабар олинган пайтдан бошлаб ёки протестни кўриб чиқиш учун қонунда белгиланган муддат ўтганидан кейин бир ойлик муддат ичида берилиши мумкин.

Прокурор томонидан судга ариза берилиши протест келтирилган ҳужжатнинг амал қилишини ариза судда кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб қўяди.

5) Музейлардаги маданий мерос объектларининг толон-торож қилиниши.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган йиғилишда туризмни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга музейлар фаолиятини самарали ташкил этиш масаласи муҳокама қилинган .

Маълум қилинишича, ўтказилган текширишларда республика бўйича 14 та музейда 3 мингдан зиёд нодир ва ноёб маданий бойликлар талон-торож қилингани аниқланган.

Жумладан, Бухоро давлат музейида жами 31,5 миллиард сўмлик 81 та маданий бойликлар қалбакиларига алмаштириб қўйилгани аниқланган. “Ичан-Қалъа” давлат музей фондида жами 101 та музей ашёлари аслига тўғри келмаслиги маълум бўлди.



Умуман, 30 йилда маданий мерос объектларига етказилган зарар миқдори 4 триллион сўмдан ошган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси “Музейлар тўғрисида”ги Қонунинг 16-моддасида миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекциялари оператив бошқариш ҳуқуқи асосида давлат музейларига, бошқа давлат муассасаларига бириктириб қўйилади.

Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини оператив бошқариш топширилган давлат музейлари, бошқа давлат муассасалари: музей ашёлари ва музей коллекцияларининг жисман бут сақланиши ҳамда хавфсизлигини; музей ашёлари ва музей коллекциялари билан боғлиқ ҳисобга олиш ҳужжатларининг — юритилиши ҳамда бут сақланишини; музей ашёлари ва музей коллекцияларидан илмий, маданий, маърифий ҳамда таълим — мақсадларида фойдаланилишини таъминлаши шарт.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 39-моддасига кўра, Прокурор мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан содир этилган қонун бузилишининг хусусиятига қараб жиноят иши, маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиши лозим.

Демак, ҳуқуқбузарлик - қонунда белгиланган жавобгарликни (жиноят, маъмурий ва фуқаролик ҳуқуқи) келтириб чиқадиган айбли ноқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир.

Узоқ вақт давомида маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик чоралари жиноят қонунчилигида назарда тутилган енгил жазо чораларига сабаб бўлган.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 132-моддаси диспозиция ва санкциялари 16.02.2022 йилга қадар “Давлат муҳофазасига олинган моддий маданий мерос объектларини қасддан nobуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Давлат муҳофазасига олинган тарих ёки маданият ёдгорликларини қасддан nobуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди”. деган талаблар билан чекланган.

16.02.2022 йилги ўзгаришларга кўра, ушбу моддага 2-қисм билан тўлдирилиб, “ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;

б) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса,— базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”. деган қўшимчалар киритилган.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 108та маданий мерос обектида 146та ноқонуний қурилма аниқланди. <https://kun.uz/uz/news/2022/05/13/108ta-madaniy-meros-obektida-46ta-noqonuniy-qurilma-aniqlandi> (murojaat qilingan sana:28.05.2023)

2. Madaniy meros obektlarida 120 dan ortiq reklama bannerlari oʻrnatilgani ainiqlandi. <https://kun.uz/uz/news/2022/05/27/madaniy-meros-obektlarida-120-dan-ortiq-reklama-bannerlari-ornatilgani-aniqlandi> (Murojaat sanasi:28.05.2023)

3. <https://daryo.uz/2022/02/08/yunesko-umumjahon-merosi-obyektlari-royxatiga-kirishi-kutilayotgan-chor-bakr-majmuidagi-yer-noqonuniy-auksionga-qoyilgan/>

4. Madaniy meros obyektlariga yetkazilgan katta zarar yuzasidan Turizm vazirligiga taqdimnoma kiritildi. <https://daryo.uz/2022/05/08/madaniy-meros-obyektlariga-yetkazilgan-katta-zarar-yuzasidan-turizm-vazirligiga-taqdimnoma-kiritildi/> (murojaat qilingan sana: 28.05.2023)

5. Oʻzbekistondagi muzeylardan 3 mingdan ortiq noyob madaniy boyliklar talon-toroj qilingan.

<https://kun.uz/uz/news/2022/04/27/30-yilda-madaniy-meros-obektlariga-yetkazilgan-zarar-miqdori-4-trln-somdan-oshgan>

6. Методика и тактика проведения прокурорской проверки : учебное пособие / под ред. О. Н. Коршуновой. - СПб., 2014. – 5-бет.

7. Козлова Е. И., Кутафин О. Е. Конституционное право Российской Федерации: учебник. 3-е изд. М., 2003. С. 278—288-бет.

8. Мельник Т. Е. Концепция развития законодательства о культуре//Концепции развития российского законодательства под ред. Т. Я. Хабриевой, Ю.А.Тихомирова.М., 2010. 382-бет.

9. Эбзеев Б. С. Человек, народ, государство в конституционном строе Российской Федерации: монография. 2-е изд. М.,2017. 175-бет.

10. Хабриева Т. Я., Чиркин В. Е. Теория современной конституции. М., 2005. 167-бет.

11. Краснов М. А., Кряжков В. А. Толковый словарь конституционных терминов и понятий. М., 2006 303-бет.

12. Сазонникова Е. В. Наука конституционного права России и концепт «культура»: вопросы теории и практики: дис. д-ра юрид. наук. М., 2012. С. 148-бет.

13. Морозова А. Н. Конституционно правовые гарантии участия граждан в культурной жизни российского общества: автореф. дис. канд. юрид. наук. М., 2005. С. 8—9-бет.